

мулк солиғи энг асосийси ҳисобланиб, маҳаллий бюджетлар даромадларида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Кўчмас мулкни солиққа тортишнинг ягона ставкаси Германия, Бельгия, Исландия ва Люксембургда қўлланилади. Солиққа тортишнинг прогрессив тизими Швеция, Финляндия, Норвегия ва бошқа давлатларда амал қилади. Швецияда мулк солиғини ундиришда оиланинг жами мулки ҳисобга олинади. Уни фақат жисмоний шахслар тўлайди ва солиқ ставкалари прогрессив хусусиятга эга.

Фикримизча, 2019 йил ва ундан кейинги даврларда ҳам маҳаллий солиқлар тушумида мол-мулк солиғи етакчи ўринни эгаллашда давом этади. Илғор хориж мамлакатларида солиқ тизими турли хил иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий шарт-шароитлар таъсири остида шаклланиган. Солиқ тизимлари бир-биридан солиққа тортиш, уларнинг таркиби, ундириш усули, ставкалари, турли даражадаги ҳукуматларнинг фискал ваколатлари, солиқ базаси, солиқларнинг ҳаракат доираси, солиқ имтиёзлари ва бошқа шу каби мезонлар асосида фарқланади.

Мулкларни солиққа тортишнинг умумий тартиби бўйича мулклар икки гуруҳга: кўчмас ва кўчар мулкларга бўлиниб, солиққа тортилади. Кўчмас мулкларга ер участкалари киради, унда турган бино, иншоот ва бошқа доимий жойлашган қурилишлардир. Мазкур ёндашувдан келиб чиқиб, кўчар мулкларни ҳам ўз навбатида, ер билан боғлиқ ва боғланмаган бойликларга ажратиш мумкин. Кўчмас мулкларга кўпроқ эгалик қилиш ҳозирги шароитда баъзи шартларни келтириб чиқаради, сабаби мулк солиғининг объекти, асосан, кўчмас мулкларга қаратилган. Мол-мулк солиғи объектининг бундай табақаланиши ишлаб чиқаришни ривожлантиришга солиқларнинг самарали таъсир риважларини қўллашда имкониятларни чегаралаб қўяди, чунки аксарият ҳолларда кўчмас мулк объектлари ишлаб чиқаришда бевосита фойдаланиладиган ёки фойдаланмайдиган мол-мулк бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан ривожланган давлатларда мол-мулкни солиққа тортишда тижорат фаолиятида қатнашадиган ва тижорат фаолиятида қатнашмайдиган асосий воситаларга ажратган ҳолда солиққа тортилади.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. The World Bank in Europe and Central Asia – Жаҳон банкининг йиллик ҳисобот маълумотлари <https://www.worldbank.org/en/region/eca>
2. Lars P.Feld, Friedrich Schneider State and Local Taxation. // International Encyclopedia of the Social & Behavioral Sciences (Second Edition), 2015. Pages 338-342.
3. Salvatore Bimonte, Arsenio Stabile Local taxation and urban development. Testing for the side-effects of the Italian property tax. // Ecological Economics, Volume 120, December, 2015. Pages 100-107.
4. Bird R.M. Intergovernmental Fiscal Relations: Universal Principals, Local Applications. Working Paper 00-2, Georgia State University: Andrew Young School of Policy Studies, International Studies Program, 2000
5. Bahl R. Fiscal Decentralization, Revenue Assignment, and the Case for the Property Tax in South Africa. Working. Paper 01-7, Georgia State University: Andrew Young School of Policy Studies, International Studies Program, 2001.
6. Урмонов Ж.Ж., Файзиев Ф.А. Маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтириш масалалари. // Логистика ва иқтисодиёт. 2020, I сон.
7. Исламқулов А.Х. Маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришда солиқ потенциалидан фойдаланиш масалалари. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. 2-сон, 2017, март-апрель.
8. Тулаков У.Т. Мол-мулк солиғи ставкаларини белгилашнинг ўзига хос хусусиятлари. // Логистика ва иқтисодиёт. 2021, V сон.



### СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИГА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ ХИЗМАТ КўРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙўНАЛИШЛАРИ

Мухаммадов Нодир Каримович -

Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети мустақил изланувчиси

 [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a62](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a62)

**Аннотация.** Ушбу мақолада иқтисодиётни глобал рақамлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси томонидан тадбиркорликни ривожлантириш, солиқлар турининг сонини қисқартириш бўйича бажарилаётган ишлар, интизомли солиқ тўловчилар сафини кенгайтириш, бу борада илғор ахборот-коммуникация технологияларидан (АКТ) фойдаланиш методологиясини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари келтирилган. Шунингдек, иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида солиқ органлари фаолиятини янада такомиллаштириш методологияси асосида илғор ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш масалаларини ўз ичига олади.

**Калит сўзлар:** бюджет сиёсати, солиқ маъмурчилиги, тадбиркорлик субъектлари, солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ, интерактив хизмат, самарадорлик, рақамли платформа, рақамли трансформация, усуллар ва воситалар, илғор ахборот-коммуникация технологиялари, таҳлил, оптималлаштириш, веб-хизматлар, замонавий техникалар.

## НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ ЗА СЧЕТ ВНЕДРЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В НАЛОГОВОЕ АДМИНИСТРИРОВАНИЕ

Мухаммадов Надир Каримович -

Независимый студент Ташкентского государственного экономического университета

**Аннотация.** В Республике Узбекистан в данной статье представлены основные направления совершенствования методологии использования передовых информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) в связи с этим, развитие предпринимательства государственным налоговым комитетом Республики Узбекистан в контексте глобальной цифровизации экономики, проводимая работа для сокращения количества видов налогов в него также включены вопросы применения передовых технологий информатизации на основе методологии дальнейшего совершенствования деятельности налоговых органов в условиях цифровизации экономики.

**Ключевые слова:** бюджетная политика, налоговое администрирование, субъекты хозяйствования, налоговая отчетность, налоговые поступления, налог, интерактивный сервис, эффективность, цифровая платформа, цифровая трансформация, методы и инструменты, передовые информационно-коммуникационные технологии, анализ, оптимизация, веб-сервисы, современные технологии.

## DIRECTIONS OF DEVELOPMENT OF THE SERVICE SECTOR THROUGH THE INTRODUCTION OF INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES IN TAX ADMINISTRATION

Muhammadov Nadir Karimovich -

Independent student of Tashkent State University of Economics

**Annotation.** In the Republic of Uzbekistan This article outlines the main directions of improving the methodology of using advanced information and communication technologies (ICT) by the State Tax Committee of the Republic of Uzbekistan in the context of global digitalization of the economy, the development of entrepreneurship, reducing the number of taxes. It also covers the application of advanced information and communication technologies based on the methodology of further improving the activities of taxpayers in the context of digitalization of the economy.

**Keywords:** budget policy, tax administration, business entities, tax reporting, tax revenues, tax, interactive service, efficiency, digital platform, digital transformation, methods and tools, advanced information and communication technologies, analysis, optimization, web services, modern techniques.

**Кириш.** Солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини бажаришда ҳар томонлама қўмаклашишдир. Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда туризмни стратегик даражага қўтариш, ички туризм хизматларини кенгайтириш ва ҳажмини кескин кўпайтириш, туризм соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари учун қўшимча имкониятлар яратиш, замонавий хизматлар инфратузилмасини жадал ривожлантириш, шунингдек, аҳолини иш билан таъминлаш ва уларнинг даромад манбаини кенгайтириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу соҳани ривожлантириш бўйича Президентимизнинг бир қатор қарор ва фармонлари қабул қилинган бўлиб, ушбу қарор ва фармонларнинг ижросини таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинмоқда.

**Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.** Жаҳон мамлакатлари солиқ тўловчилари учун солиқ тўлаш уларнинг ҳукумат билан энг қийин ва кўп вақт талаб қиладиган ўзаро муносабатларидан биридир. Шу сабабли солиқ идоралари ўз ти-

зимларини автоматлаштиришни амалга оширишмоқда. Технологияни ўзлаштириш муваффақиятли ва барқарор солиқ ислохотларини амалга ошириш, рақамли иқтисодийнинг тўғри солиққа тортилишини таъминлаш ва риоя қилиш йўлидаги тўсиқларни камайтиришга имкон беради. “Мобил тўлов провайдерлари, электрон касса аппаратлари, он-лайн бозорлар ва бошқа рақамли манбалардан олинган глобал маълумотлар ҳажми 2020 йилдан 2024 йилгача қарийб уч баробар ошиши кутилмоқда”[23]. COVID-19 пандемияси шароитида рақамли тизимдан солиқ маъмуриятчилигида фойдаланиш кенг тус олди. Жаҳон амалиётидан кўриниб турибдики, солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш асосида қонунчиликка риоя этиш ва маъмурий харажатларни камайтириш, кўпроқ даромадларни самаралироқ йиғиш, шаффофлик ва солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш ҳамда катта маълумотлар оқимини мослаштириш таъминланади.

Солиқ маъмуричилигининг самарадорлиги бугунги замонавий технологиялар ривожланган шароитда ахборот технологияларига узвий боғлиқ. Солиқ тизимида ахборот технологияларини қўллаш орқали солиқларни ундириш жараёнини такомиллаштиришга оид илмий-назарий

қарашлар мавжуд. Хусусан, и.ф.н., доц А.Қабулов Ўзбекистонда солиқ тизимида солиқ тизимини автоматлаштиришнинг таркибий тузилмаси қандай бўлиши лозимлиги, солиқ тизимида ахборотлаштириш ва автоматлаштириш жараёнининг шаклланиш жараёни, шунингдек, солиқ хизмати органларининг бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар билан солиқ тўловлари (тушумлари) бўйича ўзаро ҳисоблашишлар концептуал механизмларининг ишлаши билан боғлиқ жараёнлар ҳамда солиқ текширувлари бўйича режа-графикларнинг ишлаш ҳолатини тадқиқ қилган [1].

Солиқ тизимини автоматлаштириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борган Р.Абхалимова ва А.Шарафутдиновларнинг фикрига кўра, “солиққа тортишнинг автоматлаштирилган ахборот тизими замонавий ахборот технологиялари ва маълумотларни қайта ишлашнинг янги имкониятларидан фойдаланган ҳолда солиқ органлари фаолиятини ташкилий бошқариш шакли бўлиб, ундан фойдаланиш жараёнида қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтидалиги ва асослилиги ошади, шошилишчи вазифалар рўйхатини кенгайтириш, маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашнинг мураккаблигини камайтириш, ахборот оқимларини тартибга солиш, иқтисодий ва математик усулларни қўллаш орқали солиқ маъмуриятчилиги жараёнларини оптималлаштириш мумкин бўлади” [2].

Айнан ушбу муаллифлар солиқ тизимини автоматлаштиришда “солиқ автомати” тушунчасини қўллади ва уни “кирувчи ҳужжатларни ўз вақтида қайта ишлаш ва солиқ маъмуриятчилигининг расмийлаштирилган тартибларини автоматлаштириш имконини берувчи технология” деб таърифлайди ҳамда унинг хусусиятлари сифатида “технология ҳисоб-китоблар, тўловларни ўтказиш, қарзларни ундириш ва ҳоказо жараёнларни автоматлаштириш”ини келтиради.

И.Мелешенко ўз тадқиқотларида солиқ тизимида солиқ қонунчилигининг амал қилишида электрон савдо жараёнларини тадқиқ қилиб, солиқ тизимида электрон савдо муносабатларининг ҳуқуқий жиҳатлари билан бирга уни амалга оширишда ахборотлаштириш орқали хорижий компанияларни солиқ тўловчи сифатида рўйхатга олиш, уларни иккиёқлама солиққа тортмасликни бартараф этишда ахборот технологияларидан қандай самарали фойдаланишнинг йўлларини ишлаб чиққан [3].

М.Денишенко, ўз навбатида, маҳаллий даражадаги солиқ маъмурчилигида солиқ тизимининг иштирокчилари ўртасидаги ахборотлар оқимининг турли хил шаклларда гуруҳланишини, маҳаллий даражадаги солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришда ахборот-таҳлил қилиш

ва уни амалга оширишда ахборот технологияларидан фойдаланиш йўлларини илмий жиҳатдан асослаб берган. Ушбу олимнинг фикрича, “солиқ маъмурчилиги давлатнинг иқтисодий ва социал соҳадаги муносабатларини тартибга солишга қаратилган мақсадларидан келиб чиқиб, солиққа тортиш борасида жараёнларни мувофиқлаштиришга қаратилган солиқ хизмати органларининг тизимли фаолиятидир” [4].

М.Денишенко солиқ хизмати органларида солиқ маъмурчилигини тўлақонли амалга оширишда солиқ тўловчиларни рўйхатга олишдан тортиб то улардан солиқларни ундириш жараёни билан боғлиқ ахборотларни қайта ишлашни автоматлаштиришнинг функционал тизимларини кўрсатиб беради [5].

Россиялик солиқ соҳасидаги йирик олимлардан бири М.Мишустин илмий тадқиқотларида солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга кенг урғу берган ва бунда ахборотлаштириш жараёнларининг солиқ маъмурчилиги самардорлигини таъминлашдаги ролини кўрсатиб беради. М.Мишустин солиқ органларида маъмурчиликни такомиллаштиришнинг муҳим звенолари сифатида ахборот манбалари оқимини тўғри бошқариш, уларни тезкор қайта ишлаш, солиқ тизими элементларининг бир бутун механизм сифатида ишлашининг, ахборотлаштирилган услубий таъминотнинг йўналишларини кўрсатиб берган [6].

В.Александров ҳам солиқ тизимида хорижий фуқароларнинг электрон савдо фаолияти учун солиққа тортишда ахборотлаштиришнинг аҳамиятини тадқиқ қилган. Тадқиқотчи бозор муносабатлари шароитида фуқароларнинг электрон тизимлар орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга оширганлик учун солиққа тортишни тартибга солишда ахборотлаштиришни ташкил қилиш механизмларини кўрсатиб берган. Бунда ахборот манбаларини ишлаш, қайта ишлаш, солиққа тортиш мақсадида солиқ базасини аниқлашда ахборотлаштириш тизимларидан самарали фойдаланиш йўлларини асослаб беради [7].

Шунинг билан, фикримизча, солиқ маъмурчилиги аслида солиқларни ундириш ваколати юклатилган давлат органларининг фаолиятини қамраб олиб, бу фаолият ўзларининг ҳуқуқ ва бурчлари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бюджетга жалб қилиши билан боғлиқ ташкилий-услубий жараёнларни, солиқ ундиришга хизмат қилувчи ва солиқ тўловчилар билан солиқларни ундириш борасидаги кенг қамровли ўзаро манфаатга асосланган фаолиятларнинг тизимли равишда бошқарилиши ва мувофиқлаштириш муносабатларини қамраб олади.

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу мақолада қиёсий таҳлил ҳамда индукция ва дедукция баҳолаш усуллари билан фойдаланилди. Қиёсий усулдан фойдаланилиб, солиқ маъмурчилигига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали солиқ базасини кенгайтириш бўйича таклиф ва илмий хулосалар берилди.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда туризмни стратегик даражага кўтариш, ички туризм хизматларини кенгайтириш ва ҳажминини кескин кўпайтириш, туризм соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари учун қўшимча имкониятлар яратиш, замонавий хизматлар инфратузилмасини жадал ривожлантириш, шунингдек, аҳолини иш билан таъминлаш ва уларнинг даромад манбаини кенгайтириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сонли “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. Мазкур фармоннинг 21-бандида 2021 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслардан жойлаштириш воситасида, улар яшаган ҳар бир кун учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда туристик (меҳмонхона) йиғим ундирилади. Бунда туристик (меҳмонхона) йиғим ички туризмни тарғиб қилиш ва рағбатлантириш, туризм мавсуми паст бўлган даврда жойлаштириш воситаларининг бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 апрелдаги ПҚ-232-сонли “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг 6-хатбошисида эса Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасида республика ҳудудлари бўйлаб ички саёҳатларни амалга ошириш харажатларининг бир қисmini қайтариш – “Cashback” тартиби жорий этилди. Бундан ташқари 10-хатбошида платформа Давлат солиқ қўмитасининг махсус мобиль иловаси (SoliqUz) билан интеграция қилинган ҳолда, харажатлар ҳаққонийлиги мобиль илова ёрдамида текширилиб, харид чекининг матрицали штрих кодини (QR-код) ҳамда маҳаллий туристларнинг доимий яшаш жойларини кўрсатиш

орқали саёҳатларни рўйхатдан ўтказиш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 августдаги 631-сонли қарори 1-илоvasи билан тасдиқланган “Оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги низомнинг 1-бандида оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этиш ва улар томонидан хизмат кўрсатиш тартибини белгилаш ҳамда 2018 йил 22 октябрдаги 845-сонли қарори 1-илоvasи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 22-бандида эса вилоятлардаги жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасалари томонидан келган фуқароларни вақтинча рўйхатга олиш шу куннинг ўзида уларнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида “E-mehmon” дастури орқали амалга оширилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 декабрдаги 1049-сонли қарори 1-илоvasи билан тасдиқланган низомга асосан Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятидаги жойлаштириш воситаларига келган фуқаролар ушбу жойлаштириш воситаларининг маъмурияти томонидан, улар келганларидан кейин бу ерда бўлиш муддатидан ва келишининг даврийлигидан қатъий назар, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида вақтинча рўйхатга олиниши белгиланган. Бундан ташқари ушбу низомда даволаш муассасаларига келган фуқаролар ушбу муассасаларнинг маъмурияти томонидан, улар келган заҳоти бу ерда бўлиш муддатидан ва келишининг даврийлигидан қатъий назар, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида “E-mehmon” автоматлаштирилган ахборот тизимига киритиш орқали вақтинча рўйхатга олиниши назарда тутилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июлдаги 433-сонли қарори билан тасдиқланган “Турар-жойларни ижарага беришнинг Ягона электрон реестрини юритиш ва уларни сертификатлаш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 1-бандида амалдаги автоматлаштирилган махсус электрон дастурда Турар-жойларни ижарага беришнинг ягона реестри ва яшовчилар ҳисобини юритиш назарда тутилди. Низомда жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган туристларга ўттиз кунгача ижарага бериладиган турар-жойларни рўйхатга олишда Давлат солиқ қўмитаси билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, ижарачиларни солиққа тортиш ҳамда ижарага берилган турар-жойларнинг маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш ҳамда амалдаги автоматлаштирилган махсус электрон дастури негизида жисмоний шахсларнинг мулки бўлган турар жойларни ижарага

беришнинг ягона реестрини жорий этиш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 сентябрдаги 593-сонли қарори билан тасдиқланган низомнинг 32-бандида жойлаштириш воситалари (меҳмонхоналар, дам олиш уйлари ва зоналари, оилавий меҳмон уйлари, ўтовлар, палаткалар ва ҳ.к.) ва даволаш муассасаларининг масъул шахслари чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳақидаги маълумотларнинг “E-mehmon” дастурига киритилиши ҳамда жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасаларининг белгиланган тартибда сертификатсиз ва “E-mehmon” дастурига маълумотларни киритмасдан фаолият юритиши таъқиқланди. Юқоридаги қарор ва фармонлар ижросини таъминлаш натижасида 2017 йилда республикамизга 2,7 млн. нафар турист келган бўлса, ўтган 2022 йилда уларнинг сони 1,9 баробарга ўсиб, 5,2 млн. ни ташкил қилди. Бу йил эса хорижий сайёҳлар сони 7 млн. нафарга етиши прогноз қилинмоқда. Қолаверса, ички туризм кўрсаткичлари ҳам ҳар йили юқориламоқда. 2022 йилда ички саёҳат қилувчилар сони 2017 йилга нисбатан 107,0 фоизга ўсиб, 11,3 млн. нафарни ташкил қилди. Маблағлар билан ифодаладиган бўлсак, туризм хизматлари экспорти ўтган йилда 1,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этди (маълумот учун 2017 йилда 531 млн. АҚШ доллари).

Ўзбекистон Республикасига сайёҳлар оқимининг асосий сабаблардан бири давлатимиз раҳбарининг одилона сиёсати ҳамда туризм соҳасига берилаётган имкониятлар десак, муболаға бўлмайди. Шунини айтиш ўринлики, 2017 йилда жойлаштириш воситалари сони 767 тани ташкил этган бўлса, 2022 йилда уларнинг сони 5 мингтага етказилди. 2018 йилда 106 та оилавий меҳмон уйлари фаолияти йўлга қўйилган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 3,1 минг ва ўринлар сони 27,8 мингга ошди.

Шу билан бирга, бугунги кунда 5 мингдан ортиқ жойлаштириш воситалари, 3,1 мингта оилавий меҳмон уйлари ҳамда 10 мингдан ортиқ дала-ҳовли мавжуд. Ўзбекистонда уларнинг жойлашуви, нархлари, хизмат кўрсатиш турлари бўйича ягона платформа ишлаб чиқилмаган бўлиб, жойлаштириш воситалари(меҳмонхона ва дала-ҳовли)нинг ҳудудлари ва нархлари бўйича маълумот олиш имкони йўқлиги ҳамда ишончли бронлаш хизмати йўқлиги ички ва ташқи туристларга ноқулайликлар туғдирмоқда.

Бунинг натижасида туризмга мўлжалланган ҳудудларда туризм соҳаси фаолият юритувчи объектларда мавсум давомида қанча жойлаштириш воситалари(меҳмонхона ва дала-ҳовли)нинг фаолият юритгани, қанча даромад

олгани, қанча дам олувчи ташриф буюргани ҳамда ўзга шахсларга тегишли бўлган турар жойларда вақтинчалик яшовчи ва дам олувчи фуқароларнинг ҳисобини юритиш бўйича ягона ахборот тизими яратилмаганлиги сабабли уларнинг ҳаракатини реал вақт режимида масофадан туриб назорат қилишнинг имконияти бўлмапти.

Жумладан, Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги Чорбоғ ва Чимён, Жиззах вилояти Зомин туманидаги Зомин, Наманган вилояти Поп туманидаги Чодак ва Нанай, Фарғона вилояти Фарғона туманидаги Шоҳимардон ва Водил дам олиш зоналарига ташриф буюрувчилар тўғрисидаги аниқ маълумотлар давлат органларида мавжуд эмаслиги энг ачинарли ҳолатдир. Шунга асосан, хавфсиз туризм соҳасини янада такомиллаштириш ва маҳаллий бюджет даромадларини ошириш мақсадида, дам олиш масканлари ва дам олувчиларнинг ҳисобини юритиш, паспорт тизими қоидаларини реал вақт режимида назорат қилиш бўйича идоралараро ягона электрон платформа яратиш зарурати туғилмоқда. Ушбу электрон платформа механизмини ишлаб чиқиш учун дам олиш масканлари эгалари, дам олувчилар, ички ишлар ва солиқ органлари ҳамда ахборот технологиялари бўйича мутахассислар таклиф ва мулоҳазалари асосида техник талаблар ишлаб чиқилди. Бу эса мазкур платформанинг амалиётга жорий этилиши билан ички ва ташқи туристлар учун масофадан туриб жойлаштириш воситалари (меҳмонхона ва дам олиш уйлари)нинг ҳудудлари, нархлари ва қулайликлари ҳақида маълумот олиш билан бирга ишончли бронлаш ва олдиндан тўловни амалга ошириш имконияти яратилади.

Жойлаштириш воситалари (меҳмонхона ва дам олиш масканлари)да хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, дам олувчи ва дам олиш масканлари эгалари хавфсизлигини таъминлаш ва товламачиликнинг олдини олиш, норасмий секторда шахсларнинг фаолиятини легаллаштириш ва ушбу соҳаларда коррупциянинг олдини олишга эришилади.

#### **Хулоса ва таклифлар:**

иқтисодиёт соҳа ва тармоқларига инновацияларни жорий этиш учун зарур шароит яратиш орқали билимларга асосланган иқтисодиётга ўтишнинг янги воситаларини амалиётга жорий этиш;

тадбиркорлик субъектларининг бизнес жараёнларини автоматлаштиришни қўллаб-қувватлаш;

бизнес юритиш учун тенг шароитларни яратиш мақсадида яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш;

давлат харажатларини шакллантириш- ган тизимини шакллантириш мақсадга муво-  
нинг босқичма-босқич яхлит автоматлаштирил- фикдир.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қабулов А. Автоматизация деятельности налоговых органов. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. 4-сон, май, 2012 йил.
2. Абхалимова Р.С., Шарафутдинов А.Г. Информационные технологии XXI века. // Экономика и социум. № 2-5 (11). С. 234-236.
3. Алимова, Шарафутдинов. Цифровая трансформация международной налоговой системы Режим доступа: <http://worldtaxes.ru/tsifrovaya-transformatsiya-mezhdunarodnoj-nalogovoj-sistemy> (дата обращения: 09.02.2019).
4. Мелешенко Иван Павлович. Актуальные правовые проблемы международного налогообложения электронной коммерции. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М., 2008.
5. Денищенко Максим Николаевич. Комплексная методика информационно-аналитической поддержки налогового администрирования регионального уровня с учетом поведенческого фактора налогоплательщиков. Специальность 05 13 10 «Управление в социальных и экономических системах» автореферат. диссертации на соискание ученой степени кандидата технических наук. – М., 2007. С. 7.
6. Мишустин Михаил Владимирович. Механизм государственного налогового администрирования в России. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – М., 2003.
7. Александров Виктор Абдуллаевич. Налогообложение доходов иностранных участников электронной коммерции в России. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – М., 2006.
8. Нормурзаев У.Х. 2021 йилдаги солиқ маъмурчилиги ҳамда Солиқ кодексига киритилган ўзгартриш ва қўшимчалар юзасидан. // Интернаука. 2021. Т. 6. №. 182, часть 2. С. 99.
9. Нормурзаев У.Х. Солиқ имтиёзлари орқали иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий услохотларни қўллаб-қувватлаш сиёсати. // Экономика и финансы (Узбекистан). 2020. № 4 (136). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/soli-imiyozlari-or-ali-i-tisodiyot-tarmo-lari-amda-so-alarida-tizimli-tarkibiy-islo-otlarni-llab-uvvatlash-siyosati> (дата обращения: 17.01.2023).
10. Нормурзаев У.Х. Иқтисодиётни тартибга солишда солиқ имтиёзларининг аҳамияти ва бюджет даромадларини шакллантиришдаги роли. // Экономика и финансы (Узбекистан). 2014. № 4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/i-tisodiyotni-tartibga-solishda->
11. Qurbanov Z. & Isaev F. Иқтисодий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar, 2017, (1), 321-328. Retrieved from [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/9190](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9190)
12. Исаев Ф. Камерал солиқ текширувларини ўтказишда солиқ таҳлилдан фойдаланишни такомиллаштириш. // Экономика и образование. 2021. №. 4. С. 172-176.
13. Курбанов З.Н., Исаев Ф.И. Налоговый анализ как новое направление экономического анализа. // Актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения организации. 2017. С. 246-254.
14. Исаев Ф. Совершенствование методики расчета налоговой нагрузки. Экономика и образование, 2021, (6), 86-91. Извлечено от: <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/286>
15. Isaev F. Солиқ имтиёзларининг солиқ юки кўрсаткичига таъсири таҳлили. // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar, 2017, (6), 294-301. Retrieved from: [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/9579](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9579)
16. Исаев Ф.И. Солиқларни таҳлика-таҳлил қилиш методикаси. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. 2021.
17. Isaev F. Мол-мулкни солиққа тортишни такомиллаштириш. // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar, 2021, (6), 326-333. Retrieved from: [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/12224](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12224)
18. Исаев Ф. Солиқ таҳлилининг ўрганиш зарурияти. // Архив научных исследований, 2022, 2 (1). Извлечено от: <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/720>
19. Курбанов З., Исаев Ф. Солиқ ҳисоби ва солиқ ҳисоботининг баъзи масалалари. // Экономика и образование. 2022. Т. 23. №. 4. С. 190-196.
20. Исаев Ф. Ресурс солиқлари таҳлилининг ташкил этиш методикаси. // Iqtisodiyot va ta'lim, 2022, 23 (5), 171-176. Retrieved from: <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/742>
21. Isaev F.I. Tax Accounting: Theory and Practice. // International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. 2022. Т. 9. №. 12. С. 30-38.
22. Isaev F.I. Concept of economic analysis and its structural components. // International Journal of Marketing and Technology. 7.12 (2017): 1-13.
23. Isaev F.I. Analysis of the profit tax and its improvement. // International Journal of Research in Social Sciences. 7.12 (2017): 74-85. <https://blogs.worldbank.org/voices/why-tax-administrations-are-embracing-digital-transformation>
24. Jumaev Nadir Hosiyatovich, Rizaev Nurbek Kadirovich, & Isaev Fakhridin Ikromovich. (2023). ORGANIZATION OF TURKIC STATES: INTEROPERATION AND ACCOUNTING SYSTEM. British Journal of Global Ecology and Sustainable Development, 13, 116–129. Retrieved from <https://journalzone.org/index.php/bjgesd/article/view/245>
25. Isaev, F. (2021). Мол-мулкни солиққа тортишни такомиллаштириш. Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar, (6), 326–333. Retrieved from [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/12224](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12224)
26. Исаев, Ф. (2022). РЕСУРС СОЛИҚЛАРИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ. Iqtisodiyot Va ta'lim, 23(5), 171–176. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/742>